

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**УСМОНОВА ЗУЛФИЯ ТОХИРЖОНОВНА**

**ОЛХЎРИ ДАНАГИ АСОСИДА УГЛЕРОДЛИ АДСОРБЕНТЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИНГ АДСОРБЦИОН ХОССАЛАРИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the dissertation abstract of doctor of filosofy (PhD)**

**Усмонова Зулфия Тохиржоновна**

Олхўри данаги асосида углеродли адсорбентлар олиш технологияси ва уларнинг адсорбцион хоссалари..... 3

**Усмонова Зулфия Тохиржоновна**

Технология производства углеродных адсорбентов на основе семян сливы и их адсорбционные свойства ..... 21

**Usmonova Zulfia Tokhirjonovna**

Technology of production of carbon adsorbents based on plum seeds and their adsorption properties ..... 40

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**УСМОНОВА ЗУЛФИЯ ТОХИРЖОНОВНА**

**ОЛХЎРИ ДАНАГИ АСОСИДА УГЛЕРОДЛИ АДСОРБЕНТЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИНГ АДСОРБЦИОН ХОССАЛАРИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Т4374 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институти ва Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва Ахборот таълим порталида «Ziyonet» да ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Салиханова Дилноза Саидакбаровна**  
техника фанлари доктори, проф.

**Расмий оппонентлар:**

**Эшметов Иззат Дўсимбатович**  
техника фанлари доктори, проф.

**Абдурахимов Акмал Ходжиакбарович**  
техника фанлари фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган Давлат Университети**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «10» март соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (+99869) 228-76-75; факс: (+99869) 228-76-71, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 368 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (+99869) 228-76-75; факс: (+99869) 228-76-71).

Диссертация автореферати 2025 йил «25» февраль куни тарқатилди.  
(2025 йил «25» февраль № 10 рақамли реестр баённомаси)

**О.К. Эргашев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д. Ш. Шерқўзиёв**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

**И.Д. Эшметов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари  
раиси, т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кундан-кунга экологик муаммоларнинг кўпайиб бориши, асосан ишлаб чиқариш корхоналари кўпайиши сабаблидир. Уларни атроф-муҳитга чиқараётган газ, суюқ ва қаттиқ ҳолдаги чиқиндиларини камайтириш эса бугунги кунда муҳандис-технолог ва эколог олимлар олдидаги катта муаммолардан бири ҳисобланади. Бу зарарларни адсорбцион тозалаш усули орқали камайтирилади ва асосан кўмир адсорбентларидан кенг фойдаланилади. Кўмир адсорбентлари юқори сорбцион материаллар бўлиб, уларни табиий кўмирларни тўғридан-тўғри ишлов бериш ёки чиқиндиларни утилизация қилиш орқали олиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда саноат корхоналаридан чиқётган оқова сувларни адсорбцион тозалаш мақсадида фаоллантирилган углеродли адсорбентлар олиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, углеродли адсорбент олиш учун ўсимлик хомашёларини ўрганиш; углеродли адсорбентни қишлоқ хўжалиги ва ўсимлик чиқиндиларидан олиш; уларни термик фаоллаштиришнинг мақбул шароитларини аниқлаш; фаоллаштириш ва модификация қилиш усуллари ҳамда мақбул шароитларини танлаш; углеродли адсорбентларнинг адсорбцион хоссаларини турли адсорбатлар сорбцияси орқали аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ўсимлик чиқиндиси бўлган олхўри данагининг пўстлогидан юқори самарали сорбция қобилиятига эга адсорбентлар олиш ва уларни оқова сувларни тозалаш жараёнларида қўллаш бўйича назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Мамлакатимиз ривож учун 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг учинчи йўналишида «Миллий иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада ўсимлик чиқиндиси бўлган олхўри данагининг пўстлоқ қисмидан углерод адсорбентларини олиш ва саноат оқова сувларини тозалашда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 23-августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021-йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

**Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётларида табиий кўмир ва саноат чиқиндилари асосида углеродли адсорбентлар олиш, уларни турли адсорбцион жараёнларда қўллаш, яъни газларни, оқова сувларни, турли металлларни сорбцион ажратиш олиш бўйича чет эл олимларидан J.D.Torges , E.A. Faria, A.G.Prado, T.E. Никифорова, H.A. Собгайда, Ю.А. Макарова, А.Е. Кузнецов, H.Б. Градова, С.В. Лушников, М. Энгельхарт, Т. Вайссер, H.С. Жмур, М.В. Чеботарёва, С.В. Яковлев, И.Г. Краснобородько, В.М. Рогов, Г.А. Селицкий, В.П. Исаченко илмий изланишлар олиб боришган.

Марказий Осиё ва хусусан Ўзбекистон республикасида фаолият олиб борган олимларидан К.С.Ахмедов, А.А.Агзамходжаев, У.К.Ахмедов, С.С.Хамраев, Г.Р.Нарметова, С.А.Абдурахимов, Р.Х.Гумаров, Г.У.Рахматқариев, И.К.Сатаев, О.К.Бисенбаев, И.Д.Эшметов, О.К.Эргашев, Д.С.Салиханова, Д.Ж.Жумаева ва бошқалар маҳаллий хомашёлар ва чиқиндилар асосида углеродли адсорбентлар олиш ва уларнинг адсорбцион хоссаларини турли адсорбатларда ўрганиш бўйича изланишлар олиб боришган ва олиб боришмоқда.

Аммо ҳар бир адсорбцион материаллар қўлланилиш соҳаси, хомашё кимёвий таркиби ва структурасидан келиб чиқиб, олиш усуллари танланади ва фаоллаштирилади. Шуларни инобатга олиб, ҳар бир хомашёга индивидуал ёндашув талаб этилади. Ушбу масалалар доирасида ўсимлик чиқиндиси бўлган олхўри мевасининг данак пўстлоғини фаоллаштириш ва модификация қилиш бўйича илмий изланишлар етарли бўлмаганлиги сабабли, уларни батафсил ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ «Маҳаллий хомашёлар асосида олинган фаоллантирилган кўмирлар ёрдамида қимматбаҳо металлларни ажратиш олиш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олхўри данагининг пўстлоқ қисмидан фаоллантирилган углеродли адсорбентлар олиш ва уларнинг адсорбцион хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўсимлик хомашёлари ва чиқиндиларидан углеродли адсорбентлар олиш учун хомашё базаларини ўрганиш;

олхўри мевасининг данак пўчоқларидан термик фаоллантирилган углеродли адсорбент олишнинг мақбул шарт-шароитларини аниқлаш;

юқори сорбцион хусусиятли адсорбент олиш учун олхўри данагининг пўчоғидан олинган карбонизатни фаоллаштирувчи реагентлар ёрдамида фаоллаштиришнинг мақбул шарт-шароитларини аниқлаш;

фаоллаштирувчи реагентларнинг олинган углеродли адсорбент сорбцион хоссаларига таъсирини ўрганиш;

ўсимлик чиқиндиси бўлган олхўри данагининг пўчоқ қисмидан фаоллаштирилган углеродли адсорбент (ФУА) олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

фаоллаштирилган углеродли адсорбент (ФУА) олиш ва қўллаш технологиясини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўсимлик чиқиндиси бўлган олхўри данагининг пўчоқ қисми, карбонизати ва модификация қилиб олинган углеродли адсорбентлари, шунингдек солиштириш учун назорат намунаси, саноат оқава сувлари, модификаторлар (KOH, NaOH) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ўсимлик чиқиндиси ҳисобланган олхўри данагининг пўчоқлари асосида углеродли адсорбентлар олиш усуллари, уларни модификациялаш жараёнлари ва қонуниятлари, ҳамда саноат оқава сувларини тозалаш жараёнларида углеродли адсорбентлар билан тозалаш механизми, шунингдек, углеродли адсорбентларнинг физик-кимёвий ва адсорбцион хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида физик-кимёвий (ИК спектроскопия, электрон микроскопия рентген нурлари дифракцияси, СЭМ) аналитик тадқиқот усулларида, ҳамда каллориметрик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

олхўри мевасининг данак пўстлоғи таркибидаги углерод миқдорини 61,1 % дан термик ва кимёвий фаоллаштириш орқали 99,4% га етказиш усуллари ишлаб чиқилган;

ИК-спектроскопик таҳлили турли ҳароратларда олхўри данакларидан олинган фаоллаштирилган углеродда сезиларли таркибий ўзгаришлар, фаоллаштириш ҳароратининг ошиши -ОН ва С-Н каби функционал гуруҳларнинг чиқиб кетиши ва органик моддаларнинг парчаланиши ҳамда янги тузилмаларнинг шаклланишини кўрсатадиган янада барқарор ва конденсацияланган ароматик тузилмаларнинг шаклланишига олиб келиши аниқланган;

NaOH билан 1:0,05 нисбатда ишлов берилган намунада KOH билан ишлов берилган намуналарга нисбатан бироз кўпроқ кристалл фаза борлиги, KOH миқдорини 1:0,05 нисбатга етказилганда эса намуна тўлиқ рентгеноаморф эканлиги исботланган;

KOH ишқорини кўмирга нисбати ошиб бориши нисбий юзани ошишини, яъни 500-700 °C гача шиддат билан нисбий юзани кескин ошишини, таркибидаги органик бирикмаларни чиқиб кетиши ҳисобига қўшимча ғоваклар ҳосил бўлиши, ҳароратни 700-800 °C га ошиши энг юқори чўққисига чиқишини, бундан кейинги ҳароратни оширилиши нисбий юзани кескин камайиши, яъни ғовакларни бирлашишига ёки структурани бузилишига олиб келиши аниқланган;

олхўри данаги пўстлоғидан углеродли адсорбент олишнинг технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўсимлик чиқиндилари (олхўри данагининг пўчоғи) асосида фаоллантирилган углеродли адсорбент олиш имконияти яратилган;

углеродли адсорбент ёрдамида саноат оқава сувларини тозалаш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Фойдаланилган кимёвий ва замонавий физик-кимёвий таҳлил натижалари, тажриба-саноат шароитида тажриба-синовдан ўтганлиги тўғрисидаги далолатномалар, корхона оқава сувларини тозалашда қўлланиб, РЭМ гача тозалаш ишботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олхўри данак пўстлоқларини модификация қилиш орқали фаоллашган углеродли адсорбент олиш жараёнларида модификатор таъсири ва олинган углеродли адсорбентларни турли адсорбатлар ёрдамида адсорбцияланиш қонуниятларини ўрганиш ўрганиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий олхўри данаги пўстлоқидан модификацияланган углеродли адсорбент олиш технологиясини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги экинлари чиқиндиларидан фаоллашган углеродли адсорбент олиш технологиясини яратишга ҳамда кимё ва кимёвий технологиялар соҳасидаги таълим муассасаларида магистр ва бакалаврларни тайёрлаш жараёнида қўллаш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олхўри данаги пўстлоқларини ишқор ёрдамида термокимёвий фаоллаштириш орқали углеродли адсорбент олиш бўйича олинган натижалар асосида:

олхўри данаги пўстлоқини КОН ёрдамида фаоллаштириш орқали углеродли адсорбент олиш усули «Ифода Агрокимё Ҳимоя» МЧЖ ҚҚнинг “2024-2025 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган («Ифода Агрокимё Ҳимоя» МЧЖ ҚҚ нинг 2024 йил 11 ноябрдаги № 1097-сон маълумотномаси). Натижада ўсимлик чиқиндиларини ишқор билан фаоллаштириб, четдан келтириладиган углеродли адсорбент ўрнини босувчи маҳсулот олиш имконини беради;

ФУА1:0,05КОН фаоллантирилган углеродли адсорбент ёрдамида саноат оқава сувлари таркибидан органик қолдиқларини (ОҚ) тозалаш усули «Ифода Агрокимё Ҳимоя» МЧЖ ҚҚнинг “2024-2025 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган («Ифода Агрокимё Ҳимоя» МЧЖ ҚҚ нинг 2024 йил 11 ноябрдаги № 1097-сон маълумотномаси). Натижада минерал ўғитлар ишлаб чиқариш цехининг оқава сувлари таркибидан органик қолдиқларни (ОҚ) РЭМ гача тозалаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 20 та конференцияларда, жумладан, 2 та Scopus рўйхатида индексланган журналда, 12 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестасия Комиссиясининг илмий ишлар учун натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **КИРИШ** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объектлари ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Юқори сорбцион углеродли адсорбентлар олиш ва уларни қўллашнинг истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида илмий-техник адабиётлар ва патент нашрларида чоп этилган ишларнинг танқидий-таҳлилий муҳокамалари келтирилган бўлиб, улар углеродли адсорбентлар умумий хусусиятларига бағишланган. Шунингдек, табиий кўмир ва ноанъанавий хомашёлар асосида углеродли адсорбентлар олиш усуларининг анъанавий ва ноанъанавий усуларини солиштириш, кимёвий фаоллаштириш ва углеродли адсорбентларни адсорбцион, текстур хоссаларини ўрганиш орқали қўлланиш соҳаларини аниқлаш бўйича изланишлар муҳокамаси келтирилган.

Адабиётлар шарҳида маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндилари асосида кимёвий, термик, пар-газ фаоллаштиришни адсорбентни сорбцион-структур хоссаларига таъсири ўрганиш орқали углеродли адсорбент олиш имкониятлари асосланган. Адабиётлар таҳлили мазкур ишда қўйилган мақсад ва вазифаларни шакллантириш имконини берди.

Диссертациянинг **«Углерод таркибли хомашё ва ундан олинган углеродли адсорбентлар таснифи, уларни назорат қилиш усуллари ва лаборатория жиҳозлари»** деб номланган иккинчи бобида олхўри данаги пўчоғини физик-кимёвий хоссалари, ўсимлик хомашёлари асосида углеродли адсорбент олишда хомашё ва тайёр маҳсулотларни назорат қилиш усуллари келтирилган.

1-жадвал

**siat.stat.uz расмий сайтининг 2017 – 2023 йиллардаги олхўри етиштириш бўйича таҳлили. (минг тонна)**

Худудлар	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Ўзбекистон Республикаси	116,0	134,9	130,0	130,1	143,4	177,6	178,2
Қорақалпоғистон Республикаси	2,2	1,4	1,1	1,7	1,6	1,5	1,6
Андижон вилояти	23,7	19,2	21,5	28,4	24,0	27,3	30,3
Бухоро вилояти	3,3	4,1	9,7	9,7	12,6	9,5	9,7
Жиззах вилояти	4,1	6,1	4,4	4,1	4,6	5,0	5,6

Қашқадарё вилояти	10,7	6,7	8,3	7,2	4,9	6,3	7,5
Навоий вилояти	7,6	3,7	3,6	3,5	3,6	3,8	3,8
Наманган вилояти	19,2	30,0	19,3	12,9	38,5	55,6	52,3
Самарқанд вилояти	6,5	9,1	11,9	16,6	13,2	14,2	14,5
Сурхондарё вилояти	4,6	9,7	8,6	9,6	8,5	9,1	10,1
Сирдарё вилояти	3,2	5,3	3,1	2,9	3,0	4,4	4,9
Тошкент вилояти	19,3	22,3	24,5	14,3	12,9	20,3	16,7
Фарғона вилояти	4,1	13,2	10,5	13,0	9,7	13,2	13,9
Хоразм вилояти	7,5	4,0	3,5	6,2	6,3	6,9	7,2
Тошкент шаҳри	0,0	0,1	0,0	0,0	0,0	0,5	0,1

Ушбу тадқиқотда объект сифатида Республиканинг турли вилоятларида хусусан, (Наманган вилояти) йирик миқдорда етиштирилаётган биомасса асосидаги олхўри мевасининг данак пўстлоқларидан фойдаланилган. Олхўри данагининг пўстлоғи узунлиги ўртача 22x7 мм ва қалинлиги 1 мм бўлган ҳар хил шаклга эга бўлақлардан иборат эди. Ушбу намуналар тадқиқот аввалида чақилган ва мағзидан алоҳида ажратилган.



Мағзидан ажратилган пўстлоқ қисми эса бугунги кунда чиқинди сифатида ечимини кутаётган муммолардан бири саналади. Қуйидаги жадвалда олхўри данаги пўстлоғининг дастлабки физик-кимёвий кўрсаткичлари келтирилган.

## 2-жадвал

### Олхўри данаги пўстлоғининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

Намлиги, %	8,5
Кул миқдори, %	0,07
Ўлчами ва ранги	(22x7x1 мм), жигарранг


Олхўри данаги пўстлоғининг элементар ҳамда миқдорий таркиби ҳақидаги маълумотлар таҳлили EVO MA 10 СЭМ сканерлаш электрон микроскопи ҳамда юқори самарали энергия дисперсли рентген – флуоресан спектрометр - Япония, Rigaku NEX CG EDXRF Analyzer with Polarization in set - 9022 19 000 0 ёрдамида амалга оширилди. СЭМ ёрдамида олхўри данаги пўстлоғининг 0,25 мм дан кичик бўлган намунасида 10,20,100,200 нм да тахминий спектрлар олинди.



1-расм. Олхўри данак пўстлоғининг СЭМ тасвири

Шунингдек, данак пўстлоғи таркибида С ва О дан ташқари Cl - 0.0086%, Mg - 0.0592%, Al - 0.0805%, Si-0.0959%, S - 0.0222%, K-0.0933%, Ca-0.250%, Ti-0.0009%, Cr-0.0005%, Mn-0.0019%, Fe-0.0353%, Cu-0.0023%, Zn-0.0011%, Sr-0.0013%, Zr-0.0446%, Ag-0.0004%, Hf-0.0008%, мавжудлиги юқори самарали энергия дисперсли рентген – флуоресан спектрометр - Япония, Rigaku NEX CG EDXRF Analyzer with Polarization in set - 9022 19 000 0 ёрдамида дастлабки таркибни аниқлаш учун текширилди.

Келтирилган термограмма орқали олхўри данагининг пўстлоқ қисми учун термогравиметрик таҳлил (ТГА) ҳамда дифференциал термал таҳлил (ДТА) баён этилган.



2- расм. Олхўри данаги пўстлоғининг термограммаси

Ҳароратнинг кўтарилиши билан намуна массасининг ўзгариши ТГА эгри чизиги билан ифодаланади:

1. Биринчи босқич 34,3 °С да бошланиб 213,22 °С да якунланди. Ушбу босқич 18,92 дақиқа давом этиб шу вақт оралиғида дастлабки массанинг 0,634 мг яъни, 8,024% йўқотилди. Бу эҳтимол, намлик ва паст молекулали органик бирикмалар улушига тўғри келади.

2. Иккинчи босқич 213,22°С да бошланиб 491,83 °С да якунланди. Давомийлиги 28,28 дақиқа. Ушбу ҳарорат таъсирида масса йўқотиш 4,256 мг ни ташкил қилди. Бу дастлабки массанинг 53,87% га тўғри келиб, ушбу ҳарорат оралиғида целлюлоза ва бошқа барқарорроқ компонентларнинг парчаланиши билан изоҳланади.

3. Ҳарорат таъсирида парчаланишнинг учинчи босқичи 491,83 °С да бошланиб 801,12 °С да якунланди ва дастлабки массададан 14,06% йўқотилди. Бу 31,96 дақиқа вақтни талаб қилди ва 1,111 мг масса йўқотилишига тўғри келди. Бу углеродли адсорбентлар шаклланиши учун асосий босқич ҳисобланиб, ушбу даврда углеродли материалнинг адсорбцион хусусиятларини очиб берадиган муҳим таркибий ўзгаришлар юз бериши мумкин.


ДТА эгри чизиклари орқали 384,61°С ҳароратда асосий эндотэрмик эффект кузатилди ва жараённинг биринчи босқичи 350 °С дан 435,97 °С гача давом этганлиги аниқланди.

Иккинчи босқич 363,92 °С да бошланиб 431,15 °С да якунланганлиги бу иссиқлик эффектининг босқичма босқич камайганлигини кўрсатади. Ушбу

кўрсаткичлар асосий кимёвий жараёнлар нихояси ва барқарор углеродли фаза шаклланишининг бошланганлигидан далолатдир.

Шу билан биргаликда учинчи босқич фаоллантирилган углеродли адсорбентларнинг якуний таркибини аниқлаш учун жуда муҳим ҳисобланади, чунки уларнинг якуний физик ва кимёвий хусусиятлари айти шу ҳарорат оралиғида шаклланади. Иссиқлик эффекти 106,12 Ж/г ташкил этиб, бу сарфланган энергияни тавсифлайди.

Олхўри данагининг пўстлоқ қисмидаги функционал гуруҳлар таркиби инфрақизил IR Spirit-T A22416103442 маркали спектроскопия ёрдамида таҳлил қилинди.




3-расм. Олхўри данаги пўстлоғининг ИҚ спектр кўрсаткичлари

Унга кўра, данак пўстлоғининг ИҚ спектрида куйидаги характерли ассимиляция чизиқларини кузатиш мумкин: бунда 3344,37 см<sup>-1</sup> даги кенг чўкки гидроксил гуруҳлари (-ОН) ва водород боғлари, эҳтимол сув ёки целлюлоза борлигини кўрсатади. 2901,47 см<sup>-1</sup> даги чўкқилар метил ва метилен гуруҳларида С-Н чўзилиш тебранишларини, 1731,41 см<sup>-1</sup> ва 1592,86 см<sup>-1</sup> даги ўткир чўкқилар эса мос равишда карбонил (С=О) ва ароматик (С=С) гуруҳлар мавжудлигини кўрсатади. 1503,85 см<sup>-1</sup>, 1418,43 см<sup>-1</sup>, 1370,34 см<sup>-1</sup> ва 1320,09 см<sup>-1</sup> каби бошқа ассимиляция чизиқлари ароматик халқалар ва метил гуруҳларининг эгилиш тебранишлари билан боғлиқ. 1227,49 см<sup>-1</sup> ва 1027,21 см<sup>-1</sup> чўкқилари спиртлар ва эфирлардаги С-О тебранишлари билан, 895,85 см<sup>-1</sup> даги чўкқи эса ароматик бирикмалардаги С-Н эгилиш тебранишлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «Олхўри данагидан углеродли адсорбент олиш ва уларни физик-кимёвий хоссалари» деб номланган учинчи бобида олхўри мевасининг данак пўстлоғидан юқори адсорбцион хусусиятларга эга бўлган фаоллантирилган углеродли адсорбентлар олиш учун бошланғич – пиролиз ва карбонизация жараёнлари ёритилади. Бу жараён атмосфера босими ва 300 – 800 °С ҳарорат ҳамда кислородсиз муҳитда биомассага термик ишлов беришдан иборат бўлиб, бу кўмирнинг ғовакли тузилиши шаклланишида ўз натижаларини беради. Жараён параметрлари, тажриба техникаси ва ҳарорат таъсирида фаоллантирилган углеродларнинг физик – кимёвий хусусиятларининг ўзгариши ушбу бўлимда батафсил ёритилади. Шунингдек, биомассага асосланган озик – овқат чиқиндисини қимматбаҳо адсорбцион

материалга айлантириш учун мақбул шароитлар механизмларини тушуниш имконини беради.

Ҳарорат таъсирида фаоллантириб олинган карбонизатларни физик – кимёвий ва адсорбцион кўрсаткичларига ҳарорат ва вақтнинг таъсири ўрганилди.




**4- расм.** Масса йўқотилишига ҳарорат ва вақтнинг таъсири гистаграммаси

Диаграммадан 1 соат термик пиролизланган карбонизатни ифодаловчи кўк рангли устун бошқаларга нисбатан энг кам масса йўқотиши билан алоҳида эътиборни тортади. Бу карбонизация жараёни учун ушбу вақт давомийлигида кутилган маҳсулотни олиш учун етарли эмаслигидан далолат беради. 1,5 соат (жигарранг) ва 2 (соат) кулранг устунларнинг деярли яқин кўрсаткичлари олхўри данагининг пўстлоғи учун 1,5 соатли карбонизация даври энг мақбул деб хулоса қилиш имконини беради. Бу давр данак пўстлоғи таркибидаги органик компонентларни парчаланиши ва чиқиб кетиши учун етарли эканлигини кўрсатади.


Таҳлилларга кўра, 500 °C да термик фаоллантирилгандан кейин намунадаги C миқдори 94,4%, O - 5,6% ни ташкил қилиши ва ҳарорат таъсирида данак пўстлоғи таркибидаги намлик, смолалар ва баъзи учувчан ҳамда газсимон моддаларнинг чиқиб кетиши билан изоҳланади. Шунингдек, кўмирлашган масса таркибидаги ғоваклар жуда кичик, зич жойлашгани сабабли, нисбатан текис бўлган сирт юзага эга деб изоҳланиши мумкин. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, келтирилган маълумотлар карбонизация жараёнининг дастлабки босқичларига хос бўлиб бу даврда органик компонентлар хали тўлиқ парчаланиб улгурмаган.

Олхўри данагининг пўстлоғидан 300 - 800 °C иссиқлик таъсирида олинган карбонизатлар таркибидаги функционал гуруҳлар ўзгариши инфрақизил IRSpirit-T A22416103442 маркали спектроскопия ёрдамида таҳлил қилинди.



**7- расм.** А) Сув буғи ёрдамида фаоллантириш қурилмаси схемаси  
 1-пиролиз печи, 2-термопара, 3-аргон (азот), 4-электрон бошқарув қутиси, 5-смола  
 ушлагич, 6-конденсат ушлагич, 7-газ анализатор, 8-буғ реактори;  
 В) 500 °С пиролиз қилинган ва 750 - 800°С сув буғи берилган намунанинг ИҚ анализ  
 кўрсаткичлари


Қуйида 500 °С да 1,5 соат давомида пиролиз қилинган ва 750-800 °С  
 ҳароратда буғ билан фаоллантирилган углеродли адсорбентлар олиш  
 технологияси ва синов натижалари келтирилган. Ушбу намуна сув буғи билан  
 фаоллантирилгандан кейин СЭМ анализи орқали текширилганда ўзида 99,5%  
 С ва 0,5 % Са иони сақлашини намоён қилди.



**8-расм.** 500 °С пиролиз қилинган ва 750 - 800 °С сув буғи билан ишлов берилган  
 намунанинг СЭМ анализ кўрсаткичлари

Тадқиқот ишининг навбатдаги босқичида кимёвий фаоллантириш  
 усулидан фойдаланилди. Фаоллантириш воситаси сифатида КОН ва NaOH  
 танлаб олинди. Танланган бу икки гидроксид кучли коррозив асос бўлиши  
 билан бир қаторда NaOH 318 °С, КОН 360 °С да парчаланмасдан эрийдиган  
 барқарор кимёвий модда ҳисобланиб, натижада кўпчилик материаллар ва  
 хатто жуда инерт бўлган углерод материаллари билан ҳам реакцияга кириша  
 бошлайди. КОН эриш нуқталари атрофидаги ҳароратларда углерод ўз ичига  
 олган ҳом ашёлар (қатронлар, кўмир, лигноцеллюлозик материаллар ва  
 бошқалар), шунингдек, энг соф углеродли материаллар (углерод толалари,  
 углерод нанотолалари ва нанотубалари) билан ҳам кучли реакцияга киришади.  
 Гидроксид ва углерод ўртасида борадиган реакция муҳитини реакция  
 ҳарорати, вақти, гидроксиднинг табиати ёки гидроксид углерод нисбати  
 ёрдамида бошқариб туриш мумкин. Реакцияга киришмай қолган углерод,  
 ишқорий карбонатлар, баъзан реакция шароитига кўра реакцияга киришмай  
 қолган гидроксидлар ҳосил қилган қаттиқ аралашма реакция натижасида  
 ҳосил бўлган маҳсулот ҳисобланади. Бу маҳсулот ювилиб филтрланса ва  
 қуритилса таркибда қолган углерод моддаси супер фаоллаштирилган углерод  
 бўлади. Дастлаб, 500 °С да пиролиз қилинган карбонизатни КОН ва NaOH  
 билан 1:0,01, 1:0,03, 1:0,05 нисбатларда аралаштириб, ишқорга бўктирилган  
 карбонизатларни 600, 700, 800 °С да инерт муҳитда ҳароратнинг  
 фаоллантириш жараёнига таъсири таҳлил қилинди.

Олинган углеродли сорбентларни морфологиясини ўрганиш учун СЭМ  
 натижалари олинди.




**9-расм.** ФУА1:0,05КОН намунанинг СЕМ анализ кўрсаткичлари

ФУА1:0,05КОН намунаси таркибининг асосий 98% С, 0,3% О, 0,9% К ва Al 0,07%, S 0,08%, Cl 0,10%, Cr 0,19% ва Fe 0,21% элементларидан иборатлиги сканерловчи электрон микроскоп тасвирларидан маълум. Фаоллаштириш натижасида С миқдорининг ортиши ва К металининг 0,9% ташкил этиши ювилган намуна таркибида қисман реагент қолдиқларининг қолиб кетганлиги билан изоҳланади. Олинган “фаоллантирилган” деб тахмин қилинаётган намуналар ювилди ва куритилди. Шундан сўнг, уларнинг адсорбцион қобилиятлари таҳлил қилинди.

Quantachrome Nova 1000e статик адсорбцион қурилма ёрдамида 77 К дан паст бўлган ҳароратда ғовакли тузилманинг характеристикалари яъни, (умумий ғовак ҳажми -  $V_{\Sigma}$ , солиштирма юзаси – S ҳамда ғовак радиуси – R, Å азот адсорбцияси усулига кўра таҳлил қилинди.

Азот адсорбцияси натижалари олхўри данагини 500 °С да термик пиролиз қилинганда ( $S_{\text{BET}}$ ) БЭТ бўйича солиштирма юзаси -84,2376 м<sup>2</sup>/г га тенг эканлигини намоён қилди. 750 °С да сув буғи ёрдамида фаоллаштирилгандан кейин - 542,86 м<sup>2</sup>/г гача ошганини кузатиш мумкин. КОН (30% эритмасига 1:5 нисбатда 24 соат бўктирилган данак пўстлоғи) ёрдамида ишлов берилган намунада ( $S_{\text{BET}}$ ) - 797,62 м<sup>2</sup>/г га кўтарилган бўлса, ишқорни (КОН) қуруқ ҳолда турли нисбатларда ишлов бериш натижалари орасидан 1:0,05 нисбатдаги карбонизат : ишқор таъсирлашуви натижаси ( $S_{\text{BET}}$ ) - 944,2450 гача ошганини изоҳлаб берди.



**10-расм.** Намуналарда азот буғи адсорбция ва десорбция изотермалари 1-750 °С паргаз; 2- ФУА1:0,01КОН; 3- ФУА1:0,03КОН; 4- ФУА1:0,05КОН; 5- ФУА1:0,05NaОН.

Юқоридаги изотермалар гибрид типдаги, яъни нисбий паст босимда  $P/P_0 < 0,05$  микроғовакли материалларга ва IV турдаги мувозанатлашган ва юқори босимда гистерезис ҳалқасининг ҳосил бўлиши кўрсатилган.

Диссертациянинг «Олхўри данакларини кимёвий фаоллаштиришнинг адсорбцион хоссаларига таъсири, уларни олиш технологияси, ҳамда иқтисодий самарадорлигини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида ҳарорат ўзгаришининг кимёвий фаоллантирилган адсорбентлар солиштирма юзаларига таъсири, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш саноати оқава сувларини олинган углеродли адсорбентлар ёрдамида тозалаш, ишлатилган углеродли сорбентларни регенерацияси, ҳамда Олхўри пўчоғидан углеродли адсорбент олиш технологияси ва уларни иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

Кимёвий фаоллаштиришнинг углеродли адсорбентнинг солиштирма юзаси паст ҳароратли азот адсорбцияси орқали аниқланди. Карбонизация ҳароратини ошиб бориши билан солиштирма юза ва ғоваклигини ошишига ва аксинча зичлигини камайишига олиб келиши аниқланди. Ҳарорат ошиши билан органик бирикмаларнинг чиқиши натижасида ғовакли структура ҳосил бўлади ва солиштирма юза ошади. Солиштирма юзани ошиши билан капиллярларда ютувчанлик қобилияти ошиши кузатилади. Бунинг натижасида материал структураси янада қаттиқлашиб, солиштирма юзаси камайиб кетади.



**11-расм.** Микро ва мезоғоваклар ҳажмий ўзгаришини ҳароратга боғлиқлиги

Микро ва мезоғовакларни ҳажмий ўзгариши ҳароратга боғлиқлиги ўрганилди. Олинган натижалар 11-расмда келтирилган.

Ғоваклар ҳажмини ўзгариши асосан 500 °C дан кейин бошланишини ҳисобга олиб, микро ва мезоғовакларни ҳажмини ўзгаришини ҳам шу ҳароратдан бошлаб ўрганилди. Олинган натижаларга кўра, ( $V_a$ ) микроғоваклар миқдори ҳарорат 800 °C гача ошиб бориши кузатилган. Микроғоваклар ( $V_a$ ) ҳажм бўйича мезоғовакларга нисбатан кўпроқ миқдорни эгаллашини исботлайди. Мезоғоваклар миқдори 750 °C да паргаз фаоллаштирилган намунада кескин тушиши ва 800 °C да эса ишқор билан фаоллантирилган намунада эса энг юқори чўққиларга кўтарилгани микроғовакли структура ҳосил бўлганлигидан дарак беради.

Тадқиқот иши доирасида “ИФОДА АГРОКИМЁ ҲИМОЯ” МЧЖ нинг “Минерал ўғитлар” ва “Пестицидлар” ишлаб чиқариш цехидан чиқаётган оқава сувларининг таркиблари ўрганилди ва олинган натижалар 4.1-жадвалда келтирилди. Оқава сувларни олинган углеродли адсорбентлар ёрдамида адсорбцион тозалаш жараёнини қуйидаги кетма-кетликда олиб борилди: сувни тозалаш учун 250 мл конуссимон колбага 200 мл оқава сув солинди ва

магнитли аралаштиргич ёрдамида 700 айл/тезлик 15-20 минут 20 °С ҳароратда аралаштириб турилди. Магнитли аралаштиргич айланишни бошлаганда 5% углеродли адсорбент солинди. Тозалаш учун 0,5 – 1мм дисперсликка эга адсорбентдан фойдаланилди. Дастлабки ва тозаланган сувнинг физик-кимёвий таҳлил усуллари ўтказилди. LOVIBOND TB 210 IR маркали сув тиниқлигини текшириш аппарати EN ISO 7027 га мувофиқ, тарқалган ёруғликни 90 °С бурчак остида аниқ ва тезкор таҳлил қилишга мўлжалланган. Ўлчовлар инфрақизил нурлар ёрдамида амалга оширилганлиги сабабли, рангли ва рангсиз сув намуналарини таҳлил қилиш самараси юқори. Қуйидаги жадвалда «Ифода Агрокимё химоя» МЧЖ ҚК “Минерал ўғитлар” ва “Пестицидлар” цехи оқова сувларининг дастлабки ва тозалангандан кейинги кўрсаткичлари келтирилган.

3-жадвал

«Ифода Агрокимё химоя» МЧЖ ҚК “Минерал ўғитлар” цехи оқова сувларини тозалаш натижалари

Минерал ўғитлар цехи суви, мл	Адсорбент миқдори, %	pH	Қаттиқлиги	Тиниқлиги	Тозалаш даражаси, %
200	-	8,6	7,0	128	-
200	2	8,6	6,5	99	22,65
200	3	8,6	6,0	71	44,53
200	4	8,7	5,0	53	58,59
200	5	8,8	4,0	31	75,78
200	6	8,9	3,5	27	78,90


4-жадвал

«Ифода Агрокимё химоя» МЧЖ ҚК “Пестицидлар” цехи оқова сувларини тозалаш натижалари

Пестицидлар цехи суви, мл	Адсорбент миқдори, %	pH	Қаттиқлиги	Тиниқлиги	Тозалаш даражаси, %
200	-	7,8	16,50	204	-
200	2	7,8	15,82	162	20,58
200	3	7,9	14,67	103	49,50
200	4	8,2	13,56	54	73,52
200	5	8,4	12,80	7	96,56
200	6	8,5	11,92	6	97,05

Дастлаб, “Минерал ўғитлар” сувининг қаттиқлиги 7,00 мг-экв/л, pH кўрсаткичи 8,6 лойқасимон, ўзига хос ёқимсиз хидга эга, тўқ жигарранг, аччиқ ва шўр ҳамда тинч турган холда чўкма тушувчи сув эканлиги аниқланган. Тозалангандан сўнг сувнинг қаттиқлиги 4,00 мг-экв/л, pH кўрсаткичи 8,4 оч жигарранг, сезилар сезилмас ҳидли, бироз шўр сув эканлиги аниқланди. “Пестицидлар” сувининг қаттиқлиги 16,5 мг-экв/л, pH кўрсаткичи 7,8 лойқасимон, ўзига хос ёқимсиз хидга эга, кулрангсимон – тўқ яшил тусли, шўр ҳамда тинч турган холда чўкма ҳосил қилувчи сув эканлиги аниқланган. Тозалангандан сўнг сувнинг қаттиқлиги 12,8 мг-экв/л, pH кўрсаткичи 8,4, шаффоф, хидсиз, рангсиз, бироз шўр сув эканлиги аниқланган. Адсорбент

миқдори ошиб бориши билан тозалик даражаси ҳам ортиб бориши кузатилган. Адсорбент миқдорини 6% ли кўрсаткичлари 5% ли кўрсаткичлардан катта фарқ қилмаганлиги сабабли тозалаш учун 5% адсорбент етарли деган хулосани беради.




**12-расм.** Олхўри данаги карбонизатини сув буғи билан фаоллаштириб углеродли адсорбент олишнинг технологик схемаси

**5-жадвал**

**Буғли фаоллантирилган олхўри данаги адсорбентини моддий иқтисодий баланси**

Хомашёлар номи	Миқдори	таннархи, сум/кг	сарфи,	таннархи, сум/кг	таннархи, сум/т
Олхўри данаги (кг)	1	200.0	4.0	800.0	800 000
Сув (л)	1	1 568.0	1.0	1.568	1 568
Аргон гази (л)	1	60 000.0	0.025	1 500.0	1 500 000
Кўмир (кг)	1	357.48	5.0	1 787.4	1 787 400
Электр энергия (kvt)	1	900.0	6.75	6075.0	6 075 000
Тайёр углеродли адсорбент				10 163.968	10 163 968



**13-расм.** Олхўри данаги карбонизатини ишқор билан фаоллаштириб углеродли адсорбент олишнинг технологик схемаси

6-жадвал

## ФУА1:0,05КОН асосида олинган адсорбентнинг моддий иқтисодий баланси

Хомашёлар номи	Миқдори	таннархи, сум/кг	сарфи,	таннархи, сум/кг	таннархи, сум/т
Олхўри данаги (кг)	1	200.0	4.0	800.0	800 000
Сув (л)	1	1 568.0	3.0	4.704	4 704
Ишқор КОН (кг)	1	60 000.0	0.05	3 000.0	3 000 000
(11,25 н) НСІ эритмаси (л)	1	6 050.0	0,009	54.45	54 450
Аргон газы (л)	1	6 200.0	0,4	2 500.0	2 500 000
Кўмир (кг)	1	357.48	10.0	3 574.8	3 574 800
Электр энергия (квт)	1	900.0	10.0	9 000.0	9 000 000
Тайёр углеродли адсорбент				18 933.954	18 933 954

7-жадвал

“ИФОДА АГРОКИМЁ ҲИМОЯ” МЧЖ нинг “Минерал ўғитлар” ва  
 “Пестицидлар” цехи оқова сувларини тозалаш учун олинган углеродли  
 адсорбентларни қўллашдан кутилаётган иқтисодий самарадорлик ҳисоби

Номланиши	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткич
<i>А. Бугунги кунда корхоналарда қўланиладиган БАУ углеродли адсорбент кўрсаткичлари</i>		
Йиллик углеродли адсорбентнинг қўлланилиши	кг	300
100 кг АГ-3 углеродли адсорбент нархи	млн.сум.	4,0
Йиллик углеродли адсорбент сарфи $40000 \cdot 300 = 12\,000\,000$	млн. сўм	12,0
<i>Б. Тавсия қилинаётган ФУА1:0,05КОН ва 750 °С АУ углеродли адсорбент кўрсаткичлари</i>		
Йиллик углеродли адсорбентнинг қўлланилиши	кг	300
100 кг олинган углеродли ФУА1:0,05КОН адсорбентлари нархи: 750 °С АУ ФУА1:0,05КОН	млн.сум	1,0 1,8
Йиллик углеродли адсорбент сарфи 750 °С АУ $10\,163,968 \cdot 300 = 3\,049\,190,4$ ФУА1:0,05КОН $18\,933,954 \cdot 300 = 5\,680\,186,2$	млн.сум	3,0 5,6

Юқоридаги жадвалда 100 кг таклиф этилаётган углеродли адсорбентини бугунги кунда четдан келаётган АГ-3 маркали адсорбенти тан нархи билан солиштирилган. 750 – 800 °С да буғли фаоллантирилган адсорбент АГ-3 маркали адсорбентга нисбатан 4 баравар, ФУА1:0,05КОН адсорбенти 2,1 баравар арзон тушиши аниқланган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Олхўри данаги пўстлоғи таркибида 61% дан зиёд углерод тутгани элемент ва миқдорий таҳлиллар натижасида аниқланиб, углеродли адсорбент олишга хомашё бўла олишини кўрсатади.

2. ТГА ва ДТА анализлари орқали аниқланган термограммада ҳарорат ортишининг намуна массасига таъсири, босқичлари таҳлил қилиниб, тегишли ҳарорат таъсирида боғларнинг узилиши  $384,61^{\circ}\text{C}$  да бошланиши асосий эндотермик эффектнинг кузатилиши билан таҳлил қилинди.

3. Таҳлилларга кўра,  $500^{\circ}\text{C}$  да термик фаолантирилгандан кейин намунадаги С миқдори 94,4%, О - 5,6% ни ташкил қилиши ва ҳарорат таъсирида данак пўстлоғи таркибидаги намлик, смолалар ва баъзи учувчан ҳамда газсимон моддаларнинг чиқиб кетиши билан изоҳланади.

4. ИҚ-спектроскопик таҳлил орқали турли ҳароратларда олхўри данакларидан олинган фаоллаштирилган углеродда сезиларли таркибий ўзгаришлар, жумладан, фаоллаштириш ҳароратининг ошиши -ОН ва С-Н каби функционал гуруҳларнинг чиқиб кетиши ва органик моддаларнинг парчаланишига олиб келиши аниқланган.

5. Рентген таҳлилига кўра, олхўри данагининг кули асосан аморф ва қисман кристалл фазадан иборатлиги, бу кристалл фаза кальцит ва кварц минералига тегишли эканлиги аниқланган.

6.  $750 - 800^{\circ}\text{C}$  ҳароратда буғ-газ қилинган намуна рентгеноаморф эканлиги аниқланди. NaOH билан 1:0,05 нисбатда ишлов берилган намунада КОН билан ишлов берилган намуналарга нисбатан биров кўпроқ кристалл фаза борлиги, КОН нинг кучли коррозив хусусиятга эга эканлиги ва 1:0,05 нисбатда фаолантирилган намуна тўлиқ рентгеноаморф эканлиги аниқланди.

7. КОН ишқорини кўмирга нисбатининг ошиб бориши нисбий юзанинг ошишига сабаб бўлиши аниқланган.  $500-700^{\circ}\text{C}$  гача шиддат билан нисбий юзани кескин ошиши, таркибидаги органик бирикмаларни ёниши ҳисобига қўшимча ғоваклар ҳосил бўлишига, ҳароратни  $700-800^{\circ}\text{C}$  га ошиши энг юқори чўққисига чиқишига, ҳароратнинг бундан кейинги оширилиши нисбий юзани кескин камайишига, яъни ғовакларни бирлашишига ёки структурани бузилишига олиб келиши аниқланган.

8. Пиролизланган углеродли адсорбентни КОН билан 1:0,01 нисбатдан 1:0,05 гача оширилиши нисбий юзани  $900\text{ м}^2/\text{г}$  гача ошишига олиб келиши аниқланган.

9. БАУ назорат учун олинган углеродли адсорбент **ФУА1:0,05КОН** углеродли адсорбентга нисбатан бир оз фаоллика эга эканлиги қуйидаги кўрсаткичларга кўра изоҳланади: яъни, 95% тозалик даражасига 6% назорат намунаси сарфланган бўлса, **ФУА1:0,05КОН** углеродли адсорбентининг 90 % гача органик модда қолдиқларини тозалашга эришиши учун 5% ишлатилган.

10. Олхўри данаги пўстлоғидан углеродли адсорбент олишнинг технологияси ишлаб чиқилган ва иқтисодий самарадорлиги асосланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
DSc.03/29.08. 2023.К/Т.66.02 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ  
ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**УСМОНОВА ЗУЛФИЯ ТОХИРЖОНОВНА**

**ТЕХНОЛОГИЯ ПРОИЗВОДСТВА УГЛЕРОДНЫХ АДСОРБЕНТОВ НА  
ОСНОВЕ СЕМЯН СЛИВЫ И ИХ АДСОРБЦИОННЫЕ СВОЙСТВА**

**02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган-2025**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2024.1.PhD/T4374**

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте и институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tkti.uz](http://www.tkti.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Салиханова Дилноза Саидакбаровна**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Эшметов Иззат Дусимбатович**  
доктор технических наук, профессор

**Абдурахимов Акмал Ходжиакбарович**  
доктор философии по техническим наукам

**Ведущая организация:** **Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «10» марта 2025 года в «15<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета DSc.03/29.08.2023.K/T.66.02 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Косонсой, 7, Тел: (0569) 228-76-71, Факс: (0569) 228-76-71; e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz).)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института под регистрационным № 368 (160115, г. Наманган, ул. Косонсой, 7. Тел: (0569) 228-76-71, Факс: (0569) 228-76-71).

Автореферат диссертации разослан «25» февраля 2025 года.  
(Реестр за № 10 от «25» февраля 2025 года).

**О.К.Эргашев**  
Председатель научного совета  
по присуждению учёной степени, д.х.н., профессор

**Д.Ш.Шеркузиев**  
Учёный секретарь научного совета  
по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

**И.Д.Эшметов**  
Заместитель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире рост экологических проблем с каждым днем связан, главным образом, с увеличением числа промышленных предприятий. Снижение газообразных, жидких и твердых отходов, выбрасываемых ими в окружающую среду, в настоящее время является одной из основных проблем, стоящих перед инженерно-технологами и экологами. Их вредное воздействие в основном уменьшается за счет метода адсорбционной очистки, где широко используются угольные адсорбенты. Угольные адсорбенты являются материалами с высокими сорбционными свойствами, и их получение путем прямой обработки природных углей или утилизации отходов в настоящее время приобретает большое значение.

Во всем мире проводятся научные исследования по получению активированных углеродных адсорбентов для адсорбционной очистки различных промышленных сточных вод. В этом направлении изучаются растительное сырье для получения углеродных адсорбентов; определяются оптимальные условия термической активации углеродного адсорбента из отходов растительного происхождения, таких как косточковые оболочки плодов сливы; подбираются методы и оптимальные условия активации и модификации углеродных адсорбентов. Особое внимание уделяется изучению адсорбционных свойств углеродных адсорбентов через сорбцию различных адсорбатов.

В Республике достигнуты теоретические и практические результаты в разработке адсорбентов с высокой сорбционной способностью, полученных из отходов растительного происхождения, таких как оболочки косточек сливы, и их применении в процессах очистки сточных вод. В третьем направлении стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы определены важные задачи, такие как «продолжение реализации промышленной политики, направленной на обеспечение стабильности национальной экономики, увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте и рост объема производства промышленной продукции в 1,4 раза»<sup>1</sup>. В этом направлении использование углеродных адсорбентов, полученных из оболочек косточек сливы, для очистки промышленных сточных вод приобретает большое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы», Указом Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года

2017–2021 годы», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности в Республике Узбекистан», а также другими нормативно-правовыми документами, относящимися к данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** В мировой литературе уделено значительное внимание исследованиям по получению углеродных адсорбентов на основе природного угля и промышленных отходов, их применению в различных адсорбционных процессах, таких как сорбция газов, очистка сточных вод и выделение различных металлов. Зарубежными учеными, такими как J.D. Torres, E.A. Faria, A.G. Prado, Т.Е. Никифорова, Н.А. Собгайда, Ю.А. Макаров, А.Е. Кузнецов, Н.Б. Градова, С.В. Лушников, М. Энгельхарт, Т. Вайссер, Н.С. Жмур, М.В. Чеботарёва, С.В. Яковлев, И.Г. Краснобородько, В.М. Рогов, Г.А. Селицкий, В.П. Исаченко, проводятся научные исследования в этой области.

В Центральной Азии, и в частности в Республике Узбекистан, проводятся и проводились научные исследования по получению углеродных адсорбентов на основе местного сырья и отходов, а также изучению их адсорбционных свойств на различных адсорбатах. Среди ученых, внесших вклад в эту область, можно отметить К.С. Ахмедова, А.А. Агзамходжаева, У.К. Ахмедова, С.С. Хамраева, Г.Р. Нарметову, С.А. Абдурахимова, Р.Х. Гумарова, Г.У.Рахматкариева, И.К. Сатаева, О.К. Бисенбаева, И.Д. Эшметова, О.К. Эргашева, Д.С. Салиханову, Д.Ж. Жумаеву и других.

Следует отметить, что методы получения и активации адсорбционных материалов выбираются исходя из области их применения, химического состава и структуры исходного сырья. С учетом этих факторов требуется индивидуальный подход к каждому типу сырья. В рамках данной проблемы недостаточная изученность вопросов активации и модификации оболочек косточек слив, являющихся растительными отходами, подчеркивает важность проведения более детальных исследований в этом направлении.

**Связь исследования с научно-исследовательскими планами научно-исследовательского учреждения, в котором была выполнена диссертация.** Диссертационные исследования выполнены в соответствии с научно-исследовательскими планами Института общей и неорганической химии в рамках хоздоговорной темы «Выделение драгоценных металлов с использованием активированных углей, полученных на основе местного сырья».

**Целью исследования** является получение активированных углеродных адсорбентов из косточек сливы и определение их адсорбционных свойств.

**Задачи исследования:**

изучение сырьевых баз для получения углеродных адсорбентов из растительного сырья и отходов;

определение оптимальных условий термической активации углеродных адсорбентов из оболочек косточек сливы;

установление оптимальных условий активации карбонизатов, полученных из оболочек косточек сливы, с использованием активирующих реагентов для получения адсорбентов с высокими сорбционными свойствами;

исследование влияния активирующих реагентов на сорбционные свойства полученных углеродных адсорбентов;

разработка технологии получения активированного углеродного адсорбента (АУА) из оболочек косточек сливы, являющихся растительными отходами;

оценка экономической эффективности технологии получения и применения активированного углеродного адсорбента (АУА).

**Объектами исследования** являются оболочки косточек сливы, являющиеся растительными отходами, их карбонизаты и модифицированные углеродные адсорбенты, а также контрольный образец для сравнения, промышленные сточные воды и модификаторы (KOH, NaOH).

**Предметом исследования** являются методы получения углеродных адсорбентов на основе оболочек косточек сливы, являющихся растительными отходами, процессы и закономерности их модификации, механизмы очистки промышленных сточных вод с использованием углеродных адсорбентов, а также изучение физико-химических и адсорбционных свойств полученных углеродных адсорбентов.

**Методы исследования.** В диссертационной работе использовались физико-химические методы (ИК-спектроскопия, электронная микроскопия, дифракция рентгеновских лучей, СЭМ), а также калориметрические методы анализа.

**Научная новизна исследования заключается в следующем:**

разработаны методы увеличения содержания углерода в составе косточек сливы с 61,1% до 99,4% путем термической и химической активации;

